

БОБУР НОМЛИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
«МЕРОС» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ  
ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ,  
УМИД БЕКМУҲАММАД

# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

*ХОТИРА*

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2010

Мазкур илмий-оммабоп китоб Андижон давлат университети Тарих факультети қошидаги “Истиқлол ва тарих” илмий семинарининг 2009 йил майдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва университет Илмий кенгашининг 2009 йил майдаги йиғилиши баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

***Муаллифлар:***

***Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,***

тарих фанлари доктори,  
профессор., “Мерос” халқаро илмий-амалий  
экспедиция хайрия жамғармаси раиси.

***Умид БЕКМУҲАММАД,***

Урганч давлат университети ўқитувчиси.

***Тақризчилар:***

Ўткирбек АБДУЛЛАЕВ,

Урганч давлат университети тарих кафедраси  
муdiri, тарих фанлари номзоди.

Қудрат МАШАРИПОВ,

Урганч давлат университети доценти,  
тарих фанлари номзоди.

Комилжон НУРЖОНОВ,

«Олтин мерос» жамғармаси Хоразм вилоят  
бўлими раиси

ISBN 978-9943-08-537-4

© Қатағон қурбонлари. Хотира (Хоразм вилояти). — “Янги аср авлоди” нашриёти, 2010 йил. ....бет.

Бугунги кунда Ватан учун, миллат учун жон фидо этган, совет режимининг сиёсий қатағонига учраган, юртбошимиз фикри билан айтганда “маънавий жасорат” кўрсатган юртдошларимизни номма-ном аниқлаш, уларнинг кейинги тақдирини билиш, авлодларини излаб топиш, улардан хотиралар олиш истиқлол яратиб берган инъомлардан яна биридир. Зеро, бугунги кунда истиқлол, эрк, озодлик, миллат, ор-номус учун курашган аجدодларимиз руҳини шод қилиш ҳам биз авлодларнинг муқаддас бурчидир.

Ушбу китобда XX асрнинг 20-30 йилларида қатағонга учраган, “Катта террор” (1937-1938) йилларида отилган, МТЛ қамоқларига ҳукм қилинган хоразмлик юртдошларимиз қисмати акс эттирилган. Китобда Ўзбекистон Республикаси МХХ архиви, “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондлари ҳужжатларидан кенг фойдаланилди.

Ушбу китоб кенг китобхонлар оммасига, айниқса Ватан тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган бўлиб, ундан “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ходимлари, шунингдек ўлкашунослик музейлари, олий ўқув юртлари талабалари, магистрантлар, аспирантлар, профессор-ўқитувчилар ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон 1991 йил 1 сентябрда истиқлолга эришгач, жамитимизнинг барча соҳаларида ислоҳотлар ўтказилиб, кенг имкониятлар яратилиши билан бирга, миллий маънавиятни тиклаш ва мустаҳкамлаш, фан, таълим ҳамда маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Айниқса бу жараёнда халққа руҳий куч қувват бағишловчи, унга маънавий озуқа берувчи муҳим омил сифатида тарихимизни холис ва ҳаққоний ўрганишга, истиқлолгача бўлган даврда совет тарихшунослиги томонидан атайин бузиб, сохталаштирилган ҳолда тадқиқ қилиниб келинган даврларнинг ҳаққоний тарихини тиклашга аҳамият берилиб, Ватанимизда тарихни англаш, барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, айниқса, советлар даврида ўрганилиши ман қилинган яқин ўтмишдаги воқеаларни, уларнинг моҳиятини тадқиқ қилишга катта имкониятлар яратилди.

Негаки, совет тарихшунослиги жамият тараққиёти қонунлари, халқнинг табиати, реал воқеликни эмас, мустабид тузум манфаатларига хизмат этадиган коммунистик мафкура талабларидан келиб чиқиб, синфий кураш ғояларини ўрганишни, тарихга ана шу ақидадан келиб чиқиб баҳо беришни асос қилиб олганди.

Натижада, халқимиз ўз ўтмишидан, ўзligидан узоқлашиб, тарихда кечган жараёни, воқеа-ҳодисаларни совет тарихшунослиги бузиб сохталаштирилган ҳолда тақдим этган дарслик, бадий, илмий китоб, бадий ва ҳужжатли фильмлар орқали ўрганадиган бўлди.

Шукрки, истиқлол туфайли бундай сохтакорликларга чек қўйилиб, холис ва ҳаққоний тарихни ўрганишга имконият яратилди.

**“Ҳар қайси халқ, - деб ёзади Ислом Каримов, - миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган халқ, босиб ўтган йўл ўзи-**

**нинг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан ҳолис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади.”<sup>1</sup>**

Бу борада, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги Ф-999-сонли фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ўша йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этди.

Шу каби Президентнинг 2001 йил 1 майдаги «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида» ги фармони, унга мувофиқ ҳар йили 31 август кунини «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» қилиб нишонланиши, республикада ва жойларда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг ташкил этилиши, мустабид тузум даврида қатағон этилган ватандошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий ижодий меросини ўрганиш, ёшлар қалбига сингдириш бўйича катта шароитлар яратилди. Ана шу имконият ва шароитдан фойдаланган ҳолда республикамизда кўплаб тарихчи, сиёсатшунос ва журналистлар томонидан айнан қатағон даврдаги зулмкорона сиёсат моҳияти очиб берилган мақолалар, китоблар яратилди.

Бироқ шундай бўлса-да, Хоразмда “Катта террор” даврида кечган жараён, тарихнинг ҳасратли саҳифаларини қайта тиклаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмай келди. Фақатгина, Р.Шамсутдиновнинг 2003 йилда «Шарқ» концернида нашр этилган «Қишлоқ фожиаси» монографиясида, коллективлаштириш ва қулоқлаштириш фожиаларини ёритиш асносида, У қатағон этилган айрим хоразмликлар номи қайд этиб ўтилганди.

Шунингдек, Андижон Давлат Университетининг бир гуруҳ тарихчилари томонидан яратилган «Тарихнинг ҳасратли саҳифалари»<sup>2</sup> тўпламидан, Р.Шамсутдиновнинг «Қатағон қурбонлари»<sup>3</sup> монографиясидан, уч жилдлик рус тилида нашр қилин-

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч”. — Т.: Маънавият, 2008. 97-бет.

<sup>2</sup> Р.Шамсутдинов ва бошқалар. «Тарихнинг ҳасратли саҳифалари». — Т.: Шарқ, 2006. 304 б.

<sup>3</sup> Р.Шамсутдинов. «Қатағон қурбонлари». 1937 йил 10 август — 5 ноябр. Иккинчи китоб. — Т.: Шарқ, 2007.

ган «Репрессия»<sup>4</sup> тўпламидан ҳам 1937 йилдаги тергов баённомалари асосида, қатағон домига тушган хоразмликлар ҳаёти қисман жой олганди.

Шу каби, Р.Шамсутдинов ва У.Бекмуҳаммаднинг «Мозийнинг қора кунлари»<sup>5</sup> номли рисоласида, Хоразмдаги туманлар бўйича 1937 йилда қатағон қилинган воҳаликлар тўғрисида айрим маълумотлар берилганди.

Бундан ташқари, матбуотда оз бўлса-да қатағон давр жабр-дийдалари бўлган айрим хоразмликлар тўғрисида қисқа, хотираларга асослангангина мақолалар чиқиб турибди. Аммо шу пайтгача, манбаларга асосланган ҳолда китоб яратилмади.

Мазкур китобда 2001 йил 21 сентябрда Андижонда асос солинган “Мерос” илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси томонидан собиқ иттифоқ, Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон, Ўзбекистондаги архивлардан, қатағон қилинганлар ва уларнинг яқинлари изидан бир неча бор уюштирилган экспедициялар материаллари асосида, Хоразм воҳасидан қатағон қилинганлар ҳақидаги айрим маълумотлар келтирилган. Айниқса, 1937-38 йиллардаги “Катта террор” ёки “қулоқлар операцияси” деб номланган мудҳиш сиёсий қатағон домига тортилган хоразмликлар қисматини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

## **ХОРАЗМДА «КАТТА ТЕРРОР» ФОЖИАЛАРИ**

1937-1938 йиллар. Инсоният тарихидаги маданий асрда большевиклар томонидан ер юзи қуруқлигининг олтидан бир қисмида амалга оширилган қатағон давр. Айнан ана шу жабру ситамли йилларда эркин фикрловчи зиёлилар, тадбиркор мулкдорлар, эътиқодига содиқ диндорлар, шунингдек « ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ ёнади» дегандек аҳолининг бошқа табақалари ҳам оммавий равишда қатағон қилиниб қамалди, сургун қилинди ёки отиб юборилди.

---

<sup>4</sup> Р.Шамсутдинов ва бошқалар. «Репрессия». 1937-1938 йй. Хужжатлар ва материаллар. — Т.: Шарқ, 2007, 2008.

<sup>5</sup> Р.Шамсутдинов, У.Бекмуҳаммад. «Мозийнинг қора кунлари». — Урганч: Хоразм, 2007 40 б.

Хўш, бугунги кунга келиб тарихшуносликда талқин қилинаётган “Катта террор” қандай вужудга келди, унинг сабаблари ва моҳияти нимада?

Ўзбекистоннинг совет режими тарихидаги мислсиз аламли ва қайғули саҳифаларидан бири мудҳиш 1937-1938 йиллардаги “Катта террор”да бегуноҳ аҳоли катта қисмининг қатағон қилинишидир.

Бу мудҳиш “Катта террор” 1937 йил июлдан бошланиб 1938 йил ноябргача давом этган. Шу вақт ичида бутун совет империяси бўйича 1,5 миллион киши қамоққа олинган, шундан 700 мингга отиб юборилган. Ўзбекистонда эса 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача 10700 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши отилган, 7087 киши 8-10 йил муддат билан концлагерга ташланган. Бу большевизмнинг, совет режимининг кечириб бўлмас даҳшатли жинояти эди.

«Катта террор» нинг — яъни сиёсий қатағоннинг юзага келишида муайян объектив сабаблар ҳам бўлган. Партия ва совет ҳокимиятига, айниқса уларнинг раҳбариятига қарши қаратилган муҳолифат кучлар сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун бор имкониятларини ишга солиб, барча воситаларни қўллаб, тиш тирноқлари билан кураш олиб бордилар.

Бундан ташқари, мамлакатнинг турли минтақаларидаги, ҳатто пойтахт Москва ва бошқа йирик шаҳарларда узоқ вақтдан бери раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган партия функционерлари мавқеларини, раҳбарлик лавозимларини қўлда сақлаб қолиш мақсадида « аксилинқилобчилар», «советларга қарши кучлар», «собиқ қулоқлар», «жиноятчилар», советларга сайлов ўтказиш жараёнига қаршилик кўрсатаётганликларини рўкач қилиб, рақибларига нисбатан кескин репрессив чоралар кўришни Марказдан, Сиёсий бюродан, Сталиндан сўраб мурожаат қилдилар. Аслида улар 1936 йилги Конституцияда белгилаб берилган янги сайлов тизимига қарши ўт очган эдилар. Чунки янги сайлов тизимида реал ҳокимиятни партиядан халқ қўлига олиб бериш, кенг халқ демократиясини жорий қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилган эди. Янги сайлов тизими асосида сайлов ўтказиш туфайли ана шу маҳаллий партия раҳбарлари амал-вазифаларидан маҳрум бўлишлари кутиларди. Шу боис партия функционерлари барча «советларга қарши кучлар» — собиқ қулоқлар ва жиноятчиларни қамоққа олиш,

отувга ҳукм этиш таклифлари билан Марказга мурожаат қилдилар.

Хуллас, 1937-1938 йиллардаги «Катта террор» нинг юзага келишида маҳаллий партия функционерларининг ўрни ва роли ҳам оз бўлмаган.

1937 йил баҳоридан бошлаб Сталин ёки сиёсий бюро эмас, балки айти маҳаллий партия функционерларининг ўзлари Марказий Комитетдан келгуси йилдаги сайловда советларга ўзлари хоҳлаган депутатларини ўтказишга халақит берадиган кимсаларни йўқотиш, лагерларга уларни жўнатиш ҳамда отиб юбориб ўз вилоятларини тозалаб олишни талаб қилганлар. Қатағон қилиш тўғрисида биринчи бўлиб Фарбий Сибир ўлка партия комитетининг котиби Р.И.Эйхе талаб билан чиққан эди. Ундан сўнг ана шундай талаб билан қолган республикалар, ўлкалар ва вилоятлар котиблари ташаббус кўрсатган эдилар.

“Катта террор”нинг юзага келишининг яна энг муҳим сабабларидан бири “Бешинчи колонна” деб аталмиш оппозиция, мухолифатнинг мавжудлиги ва унинг хавfli таҳдиди, совет раҳбариятига, совет тузумига қарши кураш олиб борганидир. Бу кучни йўқ қилиш кун тартибига қўйилган эди. Акс ҳолда бу “бешинчи колонна” ғалаба қиларди. Фашистлар Германиясининг совет иттифоқига қарши уруш бошлаши билан бу “бешинчи колонна” душман билан бирга бўлиб, ичкаридан туриб собиқ иттифоқга қарши зарба берарди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “Бешинчи колонна” — Испания Республикасида 1936-1939 йиллардаги уруш даврида генерал Франко агентурасининг номи, фашист исёнчиларининг 4 колоннаси Мадридга ҳужум қилаётган вақтда улар шаҳар ичкарида бешинчи колонна бўлиб жангга киришган, “Бешинчи колонна” атамаси шундан келиб чиққан, иккинчи жаҳон уруши даврида “Бешинчи колонна” турли мамлакатлардаги фашистлар агентурасининг шартли номи<sup>6</sup>, деб кўрсатилган.

Собиқ иттифоқдаги “Бешинчи колонна” дагилар таркиби собиқ чор ҳарбий хизматчилари, зобитлар, генераллар, коллективлаштиришдан норози бўлган собиқ қулоқлар, маҳаллий бюрократия

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. — Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 200. 6- бет.



ва интеллигенциянинг кам қобилиятли, миллатчилик, шовинистик кайфиятидагилар, партия функционерларининг амалдан тушган уқувсиз, дангаса қисмидан иборат бўлган. Айниқса инқилоб жараёнида юқори лавозимларда бўлган, лекин ўз айблари билан имтиёзлардан маҳрум бўлиб, совет ҳокимиятидан нафратланганлар “Бешинчи колонна”да кучли нуфузга эга бўлган. Бу ўринда Лев Давидович Троцкий, унинг издошларини ва уларнинг амбицияларини эслаш лозим.

Улар қўпоровчилик ва исёнлар (саботаж ва диверсиялар) билан совет давлатини заифлаштириш, уни капиталистик давлатлар билан уруштириб қўйиш, урушда мағлубиятга учратиш каби ғаразли мақсадларда иш олиб борганлар. Троцкий маслакдошларидан Халқ Комиссарлари Советининг раиси А.И.Риков (8 йил аввал ичкиликбозлиги ва ишни издан чиқаргани учун лавозимидан бўшатирилган, Сиёсий бюронинг собиқ аъзоси), Н.И.Бухарин (9 йил олдин сиёсий бюро аъзолигидан озод қилинган) ва бошқалар ҳам ўша “Бешинчи колонна”га мансуб шахслар эди.

1936 йили янги сайлов тизими бўйича ўтказиладиган умумий, тенг яширин, тўғридан-тўғри ва муқобил сайловдан, кўплар қатори Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби ҳам даҳшатга тушиб, қўрққан эди. Унинг учун ҳам икки лавозимдан, бир томондан СССР Олий Советига, Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланмай қолиш, иккинчи томондан республика партия ташкилоти раҳбарлик лавозимидан маҳрум бўлиш оғир фожа эди. Депутатликдан маҳрум бўлиш, ҳам халқ оmmasи, ҳам партия аъзолари ишончини йўқотганликдан нишона эди.

Маълумки, 1936 йилдаги Сталин Конституциясига қадар Совет ҳокимияти олий органи ва маҳаллий советларга депутатлар сайлаш очиқ-ошкора ўтказилса-да, бироқ қулоқ сифатида райондан сургун қилинган, аввалда “босмачилик” ҳаракатида иштирок этганлар қамоқ муддатини ўтаб (ҳуқуқлари тикланган бўлса ҳам) қайтганлар сайловда иштирок эта олмас эдилар.

Бундай сайловларда партия функционерлари, яъни партия корчалонлари, партиянинг иш юритувчилари жойларда ўз ҳокимияти кучидан фойдаланиб, ўзларига ва депутатликка номзод қилиб кўрсатилган маҳаллий функционерларга қарши билдирилган танқидларни осонликча йўққа чиқариш, ўзлари хоҳлаган ҳар қандай одамларини, яқинларини давлат ҳокимияти органларига сайланишларини кафолатли таъминлаш имконига ҳам эга эдилар.

1936 йилги янги Конституцияга кўра эса сайлов ҳуқуқи собиқ совет давлатининг барча фуқароларига берилган ва овоз беришнинг барча турлари яширин бўлган, сайловлар муқобиллик асосида ўтказилган, ҳар бир депутатлик ўринга бир неча номзодлар қўйилиши шарт қилиб қўйилган. Бир ўринга бир неча номзодлар кўрсатилганида овоз бериш намуналари ҳам нашр қилиниб тарқатилган эди. Конституциянинг бу нормаси демократия сари, ҳокимиятни бутун халққа бериш сари қўйилган муҳим бир қадам эди.

Ана шу боис жойлардан Москвага, Сиёсий бюрога, Марказқўмга, Сталинга маҳаллий партия ташкилотлари раҳбарлари ўз ҳудудларида антисовет кучлар кўпайиб, фаоллашиб бораётганлиги ҳақида кетма-кет хат-хабарлар йўллаганлар. Сталин бундайларни 1937 йил охирларига қадар бир неча бор тартибга чақирган, баъзиларини койиган, кескин танбеҳ берган. 1937 йилдаги М.Н.Тухачевский бошлиқ ҳарбий — исён фош этилгач, ана шундай партия корчалонлари амалда тўлалигича эркин ҳаракат йўлига ўтадилар. Уларнинг бу йўлдаги ҳаракатлари қайтариб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолган эди.

Қатағон ва унинг кўпдан-кўп фожиалари ўша вақтдаги маҳаллий раҳбарларнинг фаолияти билан ҳам боғлиқ эканини, ҳатто улар бу борада ташаббус кўрсатганликларини ҳам ҳисобга олиш даркор. Ўз навбатида биринчи котиблар ўз лавозимларида қолар эканлар ўз ҳамкасблари билан содир бўлаётган воқеаларга эътибор бермадилар. Улар аввалгидек троцкийчиларга, зинovieвчиларга, ўнглларга, партиясиз деҳқонлар оммасига нисбатан энг қаттиқ, зўравонлик чоралар кўрилишини қизгин қўллаб-қувватладилар ва ўз ҳудудларидаги совет ходимларини қатағон қилишга жон-жаҳдлари билан уриндилар. Улар амалда тўлалигича эркин ҳаракат қилиб, чекланмаган фаолият кўрсатишга эришган эдилар.

Собиқ Иттифоқининг барча ҳудудида ҳам ана шу маҳаллий партия функционерлари янги сайлов тизимидан қўрқиб, ҳадиксираб, хавфсираб Марказга йўллаган хатларида, ахборотларида, расмий йиғилишларидаги чиқишларида республиканинг шаҳар ва қишлоқларида, саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, ўқув муассасаларида, халқ хўжалиги тармоқларида антисовет кучлар, буржуа миллатчилари, руҳоният вакиллари, собиқ қулоқлар, жиноятчиларни зудлик билан



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1820> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1820> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1820>